



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 10-sentabr, shanba,  
105 (23.672)-son

**КУН  
ХИКМАТИ**

Рузгорни  
бутлашда  
ота-она  
фарзандларга  
ибрат бўлмоғи  
ЛОЗИМ

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz



## АЙРИМ КЎЧАЛАРДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХАРАКАТИ ЧЕКЛАНАДИ

Вилоят ҳоқими Э.Турдимов Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити ўтказилиши муносабати билан тадбир йўналишларида давлат раҳбарларининг хавфсиз ҳаракатланишларини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳар ва унга туташ хуудлардаги айрим кўча ва автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатини вақтинча чеклаш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Унга кўра, жорий йилнинг 14 сентябридан 17 сентябрга қадар САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ

Ибн Сино, Бўстонсарой, Университет хиёбони, Намозгоҳ, Садриддин Айний, Регистон, Рудакий, Шоҳи Зинда, Уста Умар Журақулов, Ислоҳ Каримов, Афросиёб, Беруний, Мирзо Улуғбек, Гулобод, Муқимий, Даҳбед, Абдураҳмон Жомий ва Фирдавсий кўчаларида;

САМАРҚАНД, ОКДАРЭ ВА ПАЙАРИҚ ТУМАНЛАРИ ҳамда САМАРҚАНД ШАҲРИ хуудидан ўтувчи

М-37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбoshi" автомобиль йўлининг 0-12 километри;

М-37а "Самарқанд халқа йўли" автомобиль йўлининг 33-46 километри;

4К-493в "Эшимоқсоқ маҳалласига кириш" автомобиль йўлининг 0-5 километри;

4К-505 "Оқдарэ кўприги-Кўлбости" автомобиль йўлининг 0-5 километри оралиғида транспорт воситаларининг ҳаракати ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАНАДИ.

Ҳаракат қатнови чекланган кўча ва автомобиль йўлларида тез тиббий ёрдам ва фавқулодда вазиятлар махсус транспорт воситаларининг ҳаракатланишига РУХСАТ БЕРИЛАДИ.

Хайдовчиларга ноқулайликлар туғдирмаслик мақсадида айланма йўллар орқали ҳаракатланиш йўналишлари ишлаб чиқилди.



## "УМУМИЙ КЕЛАЖАК УЧУН ХИТОЙДАН ЁРДАМ"

Самарқандга Хитойдан ана шундай ёзув битилган автобус ва микроавтобус келтирилди.

Келгуси ҳафтада Самарқандда ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити муносабати билан Хитой Халқ Республикаси томонидан мезбон давлат – Ўзбекистонга 2 та замонавий автобус ва 40 та микроавтобус совға қилинди.

Хитой Халқ Республикаси ҳуку-

матининг совғаси сифатида "Yutong" заводи вакиллари томонидан тақдим этилган янги автобусларни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири ўринбосари Жасурбек Чориев қабул қилиб олди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида алоқалар барча соҳаларда мустақамлашиб бораётганлиги, бу транспорт воситалари нуфузли саммитни юксак савидада ўтказишга ёрдам бериши таъкидланди.



## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.



## ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА...

Дилшод АҲАТОВ,  
Ўзбекистоннинг  
Ҳиндистондаги  
элчиси:

- Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи сиёсатидаги жадал ўзгаришлар шароитида ШХТга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам талаб катта. Бунинг сабаби шундаки, энди барча аъзо давлатлар ушбу кўп томонлама платформанинг очиқ, прагматик, кенг асосланган ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга оширишга қаратилишини истаиди.



# ШХТ ва ЎЗБЕКИСТОН

➡ Президент қарорига кўра

## ТОМОРҚАЧИЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган фаол ва прагматик ташқи сиёсат бугунги кунда мамлакатимизнинг нафақат минтақада, балки жаҳон миқёсида нуфузи ва ўрнини мустақамлаб, халқаро жараёнларга таъсирини оширмоқда.

Бу борада халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорлик, хусусан, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

2021-2022 йилларда ташкилотга раислик Ўзбекистонга ўтиши кейинги 6 йилда амалга оширилган жадал ва очиқ ташқи сиёсатимиз махсули, мантқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Ўтган йили ШХТнинг Душанбе саммитида давлатимиз раҳбари ташкилотга раисликнинг ШХТ макониде тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини янада чуқурлаштириш, ўзаро транспорт-коммуникация алоқалари, камбағалликни қисқартириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маданий-гуманитар соҳада, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашда мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш сингари энг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон томонидан ШХТга раислик даврида барча ҳамкорлик соҳаларида 80 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Кенг қўламада олиб борилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ,

бўлажак саммитда имзолаш учун 30 дан ортиқ ҳужжат тақдим этилиши режалаштирилган.

Шубҳасиз, Самарқанд саммитининг асосий мақсадларидан бири



ШХТ оиласини янада кенгайтириш масаласидир. Давлат раҳбарлари кенгаши доирасида ШХТга аъзолик макомини олиш учун Эрон Ислоҳ Республикасининг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланиши кутиляпти.

Бу ўтган йили Эронни тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиш тартибини бошлаш тўғрисидаги қарорни амалга оширишда муҳим босқич бўлади.

Бундан ташқари, ШХТнинг кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик давлатлари аъзолигини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Саммитда ШХТ ва қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Яна бир қабул қилишга тайёрланган муҳим ҳужжат бу – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари ўртасида узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани 2023-2027 йилларда амалга ошириш бўйича кенг қамровли режадир.

Ушбу стратегик аҳамиятга эга ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган

ва ШХТга аъзо барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Режа лойиҳаси ташкилот доирасида барча соҳалар бўйича амалга оширилаётган ҳамкорлик

йўналишларини жалб қилган ва ҳозирги кунда 120 га яқин тадбирларни ўз ичига олган. Айниқас, асосий ургу савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган. Масалан, инвестициялар, энергетика, транспорт, логистика, саноат кооперацияси, ахборот ва телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги, божхона ва бошқа соҳалардаги шерикликни янада мустақамлаш бўйича аниқ тадбирлар ва уларнинг бажарилишига масъул идоралар белгиланган.

Мазкур Шартномани ўз аҳамиятига кўра ШХТ Хартиясини билан солиштириш мумкин. Агар Хартия ташкилотнинг "руҳи", унинг компаси бўлса, Шартнома ШХТнинг "виждони" ва ҳар бир аъзо давлатнинг ўз ҳиссасини қўшиш мажбуриятидир.

Бу ҳужжат ташкилотга танланган йўлидан адашмаслик имкониятини берадиган "компас"нинг тўғри, ритмик ва барқарор ишлашини таъминлашга қаратилган.

Хартия ва Шартномани муҳим ҳуқуқий ришталари бўлиб, унинг фалсафаси ва қиёфасини узоқ муддатга, ташкилот мавжуд бўлган бутун даврга белгилаб беради.

Шартноманинг асосий хусусиятлари, авваламбор, ҳужжатнинг ҳар бир қоидаси барча аъзо давлатларнинг миллий манфаатларига, шунингдек, ШХТнинг кенг хуудиде узоқ муддатли ҳамкорликда ривожлантириш мақсадирига жавоб беради.

Миллий ва умумий манфаатларнинг уйғунлиги, уларнинг синергияси Шартномани барқарор қилади, унинг ҳар бир иштирокчиси манфаати учун хизмат қилади.

Демак, имзолашга тақдим этилиши кўзда тутилган кенг қамровли режа ва унда кўрсатилган аниқ тадбирлар ШХТга аъзо барча давлатлар ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилади.

### ШХТ – ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТ

ШХТга аъзо давлатларнинг умумий майдони 34 миллион км<sup>2</sup>, яъни Евроосиё қитъасининг 60 фоизини ташкил этади. Аъзо давлатлар нуфузи 3 миллиардга яқин ёки ер юзи аҳолисининг қарийб ярмига тенг. ШХТ мамлакатлари жаҳон иқтисодиётининг 20 фоизини қоплайди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

"Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, маҳаллаларда ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш учун 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб 10 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилди.

Шунингдек, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш би-

лан банд қилган тадбиркорлик субъектларига Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан:

- парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка), паррандани сақлаш учун катак, озуқа еми ҳамда дори воситалари;
- узум кўчати ва ток сўриси;
- асалари оиласи, асалари уяси учун қути ҳамда озуқа еми;
- кўён, кўён катаги ва озуқа еми;
- балиқ чавоқлари, сунъий ҳовуз ва озуқа емини харид қилиш ҳамда кейинчалик томорқа ер эгаларига тақдим этиш учун субсидия ажратилади.

Бунда мазкур субсидия бир нафар томорқа ер участкаси эгаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача миқдорда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига асосан ажратилади.



Паст Дарғом туманида 2022 йил пахта ҳосили учун 273 фермер хўжалиги томонидан 16 минг 996 гектар майдонда чигит экилган. Жумладан, "Оппоқ дийр замин нури" фермер хўжалиги аъзолари 80 гектар майдонда ғўза парваришлаб, мўл ҳосил етиштиришди.

Фермер Фахриддин Қодиров гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил олиш ниятида.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

## Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-К/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 147-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги (01/28-01-01-34/539-сон, 06-76/КХ-сон) қўшма хатларини ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг билдиргилари ва вилоят молия бош бошқармасининг 2022 йил 2 августдаги (01/04-38/544-сон) хулосасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ етмиш биринчи сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги VI-53-126-7-0-К/21-сонли қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Шаҳар ва туман ҳокимликлари халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари билан биргаликда шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларини 2-иловага мувофиқлаштиришни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқсин.
3. Вилоят молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил харажатлари режасига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.
4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мир-

- заев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш маркази” МЧЖ (А.Анваров) мазкур қарорни “Зарафшон”, “Самарқандский вестник”, “Овози Самарқанд” газеталарида чоп этилишини ҳамда Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ўрнатилган тартибда жойлаштирилишини таъминласин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимияти биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов) зиммасига юклансин.

Сессия раиси

З.КАРИМОВ

2022 йил 8 сентябрь VI-71-181-7-0-К/22

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 сентябрдаги VI-71-181-7-0-К/22-сон қарорига **1-ИЛОВА**

### Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-К/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-иловада:
  - а) “Харажатлар миқдори, жами” позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

		минг сўмда
Харажатлар миқдори, жами		2825315976.0
шу жумладан:		
жорий харажатлар		1198410557.0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар		455776161.0
Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар		1171129258.0

- б) 4-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

4.	Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	618721111.0
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	541721111.0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	77000000

2. 4-иловада:
  - а) 5-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5.	Жомбой тумани	10	10	100	100	40	15	100	100
б) 16-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:									
16.	Тойлоқ тумани	100	100	20	100	45	50	100	100

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 8 сентябрдаги VI-71-181-7-0-К/22-сон қарорига **2-ИЛОВА**

### Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан (тиббиёт бирлашмалари маблағлари) вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтказиладиган қисмлари бўйича маълумот

№	Шаҳар ва туманлар номи	Туман (шаҳар) ТБ марказлашган тартибда жамланган маблағ	Шундан	
			Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтказиладиган маблағ	Бошқармадан ташқари
	<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>43 162 199,0</b>	<b>16 065 200,0</b>	
1	Самарқанд шаҳар	6 889 370,0	2 565 200,0	
2	Каттакўрғон шаҳар	1 070 000,0	400 000,0	
3	Оқдарё туман	1 651 250,0	600 000,0	
4	Булунғур туман	2 300 000,0	900 000,0	
5	Жомбой туман	1 904 890,0	700 000,0	
6	Иштихон туман	2 569 660,0	1 000 000,0	
7	Каттакўрғон туман	3 103 460,0	1 150 000,0	
8	Қўшработ туман	1 356 510,0	550 000,0	
9	Нарпай туман	2 692 000,0	1 000 000,0	
10	Пайариқ туман	2 591 176,0	950 000,0	
11	Паст Дарғом туман	3 600 000,0	1 350 000,0	
12	Пахтачи туман	600 140 668,0	390 000,0	
13	Самарқанд туман	2 629 570,0	1 000 000,0	
14	Нуробод туман	1 507 135,0	560 000,0	
15	Ургут туман	5 505 950,0	2 100 000,0	
16	Тойлоқ туман	2 350 560,0	850 000,0	

# ШҲТ ва ЎЗБЕКИСТОН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Эроннинг ташкилотга тўлақонли аъзо этиб қабул қилиниши орқали ШҲТ стратегик муҳим минтақа ҳисобланган Яқин Шарққа эшик очади. Ташкилот муваффақиятининг калити кўп қиррали ҳамкорлик ва очиқлик билан боғлиқ экани барчага аён. Шу боис ҳам тузилма очиқ мулоқот, минтақаларо кенг шериклик учун мос ва қулай майдон сифатида муоён бўлмоқда.

Ўзбекистон – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти асосчиларидан бири.

Ўзбекистон ШҲТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг келгуси стратегиясини белгилашда доимо етакчилар сафида эътироф этилади.

Биз ШҲТга терроризм, экстремизм, сепаратизм, гиёҳвандлик, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, кўп томонлама ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги шерикликни ривожлантириш воситаси сифатида қараймиз.

Мамлакатимиз аввал ҳам ташкилотга уч марта раислик қилган. Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йил Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксил-террор тузилмаси таъсис этилди. Хавфсизлик кенгашлари котиблари йиғилишлари формати жорий этилди, ШҲТда кузатувчи мақомини бериш механизми ишга туширилди.

2010 йил пойтахтимизда ўтган аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида ташкилотнинг Иш тартиби қоидалари ва Янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2016 йилдаги Тошкент саммитининг асосий натижаларидан бири ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш мақсадида Хиндистон ва Покистон мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланишидир. Бу ташкилот салоҳиятини кўтаришга ва халқаро май-

дондаги ролини янада оширишга хизмат қилди.

2017 йилдан республикаимиз ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ташаббускорига айланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан беш йил мобайнида ШҲТ саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик самарадорлигини оширишга доир 54 та ташаббус илгари сурилди. Шулардан 37 таси ҳаётга татбиқ этилган бўлса, қолган 17 таси амалга оширилиш жараёнида.

Душанбе саммитида ўзбек томони илгари сурган бир қатор ташаббуслар – ШҲТнинг “Яшил камар” дастури, Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик режаси, ШҲТ Иқтисодий форуми концепцияси, шунингдек, ШҲТнинг Туризм ва маданий пойтахти тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон амалга ошаётган ташаббуслар бўйича ШҲТда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Утган йилларда ўзбек томони, асосан, хавфсизлик соҳасида фаоллик кўрсатган бўлса, эндиликда умумий салоҳияти иқтисодиёт, транспорт ва логистика, инновацион ва рақамли ривожланиш, маданий ва халқ дипломатияси каби йўналишлар орқали кўтариш зарурлигига эътибор қаратмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ШҲТ маконида амалга оширилаётган стратегия конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби муҳим тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устуңлиги ШҲТ доирасида Тошкент илгари сурган ташаббуслар, айниқса, ҳудудни барқарор ривожлантиришга



қаратилган вазифалар ҳақида гап кетганда, аъзо мамлакатлар миллий манфаатига ҳам тўла жавоб беришда ўз ифодасини топади. Шу боис мазкур ташаббуслар ШҲТга аъзо барча давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Самарқанд саммити олдиндан мамлакатимиз раислигида олиб борилган ишлар ташкилот фаолиятини аниқ ва самарали, янги ва салмоқли лойиҳалар билан бойитди. Демак, Ўзбекистон яна бир мураккаб сиёсий синовдан шараф билан ўтди, деб айта оламиз.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитда сарҳисоб қилинади.

Ишончимиз комилки, анжуман йирик сиёсий ва дипломатик форумга айланади ва ташкилотнинг кейинги эволюцияси йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга муҳрланади.

**Анвар НОСИРОВ,**  
Марказий Осие халқаро институти директори.

## Зайниддин ота ёшларнинг кўмакчиси

Асли касби стоматолог бўлган Зайниддин отани Ургутда ҳамма танийди. Туманнинг Пастки Калангар маҳалласида яшовчи Зайниддин Шамсиев ёшларга чинакам устоз, ёрданга муҳтож ҳамқишлоқларига беминнат кўмакчи.

Отахон 2017 йилдан буён Ёшлар иттифоқи туман бўлими кенгашига жамоатчилик асосида яқиндан ёрдан бериб келади. Яқинда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган “Бир миллион дарахт” акцияси давомида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 300 туپ дарахт кўчати ўтказишда иштирок этди. Жорий йилнинг май ойида Бухорода бўлиб ўтган заргарлик ва зардўзлик фестивалида шоғирдлари билан қатнашиб, дипломга сазовор бўлди.

Тиниб-тинчимас отахон мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли тўғараклар ташкил қилади, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштиради.

Тарихий ёдгорликларимизни кўриш учун дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келади, аммо фарзандларимиз шундай обидаларни бориб кўрмайди, - дейди З.Шамсиев. - Маҳалла ёшларини тўплаб, Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга саёхат ташкил қилдик. Бу ёшларда катта таассурот қолдириди.

У ҳар бир куннинг 2-3 соатини ёшлар билан ўтказишга ҳаракат қилади. Беш ташаббус доирасидаги спорт мусобақаларини ўтказишда жонбозлик кўрсатмоқда. Туманда волейбол, кураш, футбол бўйича турнирлар ташкил қилиб, ғолибларни муносиб рағбатлантириб борапти.

“Бир нурунийга ўн нафар ёш” лойиҳаси доирасида бир қатор эзгу ишларга бош-қош бўлди. Отахон-



нинг ташаббуси билан маҳаллада кўмакка муҳтож оилалар, ногиронлиги бор инсонларга моддий ёрдан берилди, уларнинг бандлиги таъминланди.

Отахоннинг мўъжазгина ҳунармандчилик устaxonиси бор. Маҳалладаги бўш юрган ёшлар бу ерга устоз-шоғирд тамойили асосида қабул қилинган. Улар ҳам ҳунар ўрганяпти, ҳам маош оляпти. Устaxonида 10 нафар ёш иш билан таъминланган бўлиб, улар турли кўринишдаги эсдалик буюмлар ясайди. Бу маҳсулотлар сотув дўкони орқали республикамизнинг турли бурчакларига етказиб берилади.

Зайниддин Шамсиев мамлакатимиздаги бугунги муҳим сиёсий жараён – Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиришларда ҳам ўзининг таклифлари билан фаол иштирок этяпти. Отахон шу ўринда ҳам ёшларни йўлади. Конституцияга 20 та таклиф берган бўлса, шуларнинг 8 таси ёшларга тааллуқли.

**Худойберди КОМИЛОВ,**  
**Жасур МАМАДАМИНОВ.**

## Иштихондаги корхонанинг иш бошлаши нега ортга сурилди?

Иштихон тумани Қора қўйла маҳалласида яшовчи Наргиза Аҳмедова 10 йилдан бери қандалатчилик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланади. Фаолиятини яқка тартибдаги тадбиркор сифатида бошлаган ишбилармон опани бир муаммо қийнади. Яъни, тайёрлаётган ширинликларни қадоқлаш учун қозғ қутиларни бошқа ҳудудлардан сотиб олиб келарди.

Орзуси эса оилавий корхона ташкил этиб, шу муаммога ечим топиш эди. У ўтган йили кузда ишга киришди. Керакли ҳужжатлар ва жой масаласи ҳал этилди, аммо бу корхонани ишга тушириш учун 800 миллион сўмлик ускуналар келтирилиши зарур эди. Тадбиркорнинг 600 миллион сўмга яқин маблағи бор эди, яна 200 миллион сўмдан зиёдроқ пул топишининг ўзи бўлмасди. Фоиизи юқорилиги учун банкдан кредит олишга чўчиди. Аммо...

Шу йил бошида мени ўйлантираётган масалага ечим топилгандай бўлди, - дейди у. - Маҳалламизда иш бошлаган ҳоким ёрданчиси Рустам Самандаров бир кунни уйимга излаб келди ва қийнаётган муаммолар ҳақида сўради. Кўпроқ миқдорда пул зарурлигини айтдим. У банкдан 3 йил муддатга имтиёзли кредит чиқаришда кўмаклашишга ваъда берди. Аввалига ишонмадим. Ҳужжатларни тайёрлаганим-дан сўнга, бир ҳафта ичида 225

миллион сўм имтиёзли кредит олишга эришдим. Шу маблағ туфайли 6 ойдан бери тўхтаб турган ишларим юришиб кетди. Корхонага Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналарни келтиришга қулайлик. Мана, уч ойдири, аввало, ўзимиз тайёрлаётган қандалатчилик маҳсулотлари учун, қолаверса, туманимиз, ҳатто кўшни туманлардаги цехлар учун ҳам қозғ қутилар етказиб беряпмиз.

Корхона ишга тушиб, 7 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Аҳамиятлиси, уларнинг барчаси ижтимоий дафтларларда турадиган йигит-қизлардир. Шунингдек, корхонага уч нафар мутахассис таклиф қилинган. Бу ерда фаолият олиб бораётган ёшлар уларга шоғирдликка тушган.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**


Вилоятимиз аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва оқова тармоқлари қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислохотлар самарадорлигини ўрганиш натижаларида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган “Йўл харитаси”да “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖга кўп вазифалар топширилган.

## “Йўл харитаси”даги муаммолар

Ўз вақтида бартараф этилмоқда

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 65,6 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 167 та маҳалла аҳолиси муқобил манбалар сувидан фойдаланади.

Хозирда вилоятдаги 1747 та сув иншоотидан 683 таси, 1992 та сув қудуғидан 693 таси таъмирталаб аҳолига келиб қолган, - дейди “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ директори Комилжон Юсупов. - “Йўл харитаси”га кўра, 5553 километр сув тармоқларининг 960 километри, 461 километр оқова тармоғидан 31 километри таъмирланиб, 1 та оқова сув тозалаш иншооти янгиланиши лозим. Таъмирталаб, техник даврий мuddати ўтган иншоот ва тармоқларни таъмирлаш ҳамда таъминоти оғир бўлган ҳудудларни ичимлик сув билан таъминлаш бошқича-бошқича давлат дастурлари, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.



Ўтган йили 286,3 миллиард сўм маблағ сарфлаб, 210 маҳаллада яшовчи 270 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшилانган бўлса, яна 214 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди. Бунинг учун 500,7 километр ичимлик суви, 44,7 километр оқова тармоғи қурилди. 65 та сув иншооти ва 4 та оқова сув тозалаш иншооти реконструкция қилинди ва янгидан қуриб фойдаланишга топширилди.

Жорий йили эса 687 километр ичимлик суви ва 38,8 километр оқова тармоғи қурилмоқда. Шунингдек, 73 та ичимлик суви ва 7 та оқова иншооти қурилиб, реконструкция қилинмоқда.

Бу ишлар яқунлангач, 57,9 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, 135,1 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланади. Жорий йилнинг ўтган даврида 33,2 километр сув тармоғи тортилиб, 31 та сув қудуқларининг насослари янгисига алмаштирилиши натижасида 5 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди, 3 мингдан ортиқ аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Жумладан, хозиргача Булунгур тумани Дехқоноб қишлоғида 1,5 километр, Самарқанд тумани “Янгиравот” маҳалласида 1 та сув насоси, Оқдарёдаги Янги қишлоғида 1 та сув насоси ва 1,5 километр сув тармоғи фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, айни вақтда Нуробод туманининг Омондара маҳалласида янги сув қудуғи қуриш ва 3 километр сув тармоғи тортиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Д.ТЎХТАЕВ.**

## Аълочи ўқувчилар стипендия олади



**Каттақўрғон туманидаги 73- ва 105-мактаблардаги "Биринчи кўнғироқ" тадбирларида "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов қатнашиб, ўзи туғилиб ўсган Бурган маҳалласидаги аълочи ўқувчилар учун "Абдукамол Раҳмонов" номидаги шахсий стипендия жорий қилганлигини эълон қилди.**

Шахсий стипендия мактаб педагогик жамоаларининг таклифига биноан ҳар чорак якуни бўйича иккала мактабдан икки нафардан, жами тўрт нафар ўқувчига ўқув йили давомида тўрт марта, ўқув йили якунлари бўйича эса ҳар иккала мактабдан бир нафардан аъло баҳолагарга ўқиган энг фаол ўқувчига мунтазам бериб борилади.

**Шахноза ОЧИЛОВА.**

**Булунғур туманида ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш, ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, туманда йил бошида ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 2500 нафар ёш "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлса, ўтган давр мобайнида 2426 нафари дафтардан чиқарилди.**

- Туманимизда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 35 минг 198 нафарни ташкил қилади, - дейди ёшлар ишлари агентлиги Булунғур тумани бўлими бошлиғи Камолiddин Гаппаров. - Туманда ёшлар билан ишлаш бўйича ҳар бир маҳаллада "Ёшлар дастури" ишлаб чиқилган. Унга кўра, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида аксариятига ер ажратилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 1689 нафар ёшга 280 гектарга яқин ер бўлиб берилди. Шунингдек, 483 нафар ёш доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди. 184 нафар ёшга тадбиркорлик қилиши учун 4 миллиард 500 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ҳамда 296 нафарига 1 миллиард 49 миллион сўм миқдорда субсидия ажратилди.

Булунғурда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ердан унумли фойдаланишлари учун яқиндан кўмаклаштириш яхши самара бермоқда. Хусусан, тумanning Оқтепа маҳалласидаги ишсиз ёшларга 15-20 сотихдан ер ажратилган.

## "ИМКОНИЯТ" дафтарида унумли фойдаланиб



Маҳалламизда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 696 нафар ёш истиқомат қилади, - дейди ушбу маҳалла ёшлар етакчиси Жамшид Абдуллаев. - "Ёшлар дафтари"га киритилган 31 нафар ёшнинг аксариятига ер ажратилди

ҳамда деҳқончилик қилиши, ердан самарали фойдаланишлари учун тавсия ва маслаҳатлар берилди.

- Оилада 7 киши ишсиз эдик, - дейди Оқтепа маҳалласида яшовчи Ботир Мавлонов. - Бизга 10 йил муддатга 75 сотих ер берилди. Оила аъзоларимиз билан келишиб, бу ерда булғор қалампир, картошка, пизё ва ловия эдик. Ҳосили яхши бўлди. Насиб бўлса, бу

йил 70 миллион сўмдан зиёд даромад олишни мўлжаллаяпмиз.

Тумanning Бешқўтон маҳалласида 16-30 ёшдагилар 677 нафарни ташкил қилади. Йил бошида маҳаллада 23 нафар ишсиз ёш "Ёшлар дафтари"га киритилиб, ҳозирги вақтда барчаси дафтардан чиқарилган. Эътиборлиси, маҳаллада ишсиз хотин-қизлар тикувчиликка ўқитилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун ёрдам бериляпти.

- Шу йилнинг апрель ойда туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда маҳаллада касб-хунар маскани ташкил қилдик, - дейди Бешқўтон маҳалласи ёшлар етакчиси Бехзод Абдукаримов. - Маскандан маҳалламиз хотин-қизлари уч ойлик курсда тикувчиликни ўрганиб, сертификат оляпти. Яқинда 10 нафар хотин-қиз курсни битирди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган икки нафарига субсидия асосида асбоб-ускуна олиб берилди.

- Маҳалламиздаги тикувчилик курсида ўқиб, болалар ва аёллар кийимлари тиқишни ўргандим, - дейди Умида Раҳматуллаева. - Шундан кейин маҳалламизда иш олиб бораётган ёшлар етакчиси кўмаги билан субсидия асосида учта тикув машинаси олиб берилди, тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Ҳозир 5 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаб, болалар ва аёллар кийимларини тикяпмиз.

**Ф.РЎЗИБОВЕВ.**

## Муаллифлик ҳақидан қанча солиқ тўланади?

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 395-моддасига мувофиқ, илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарзида даромад олувчи солиқ тўловчилар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.**

Ушбу моддага мувофиқ, даромадларига солиқ солинадиган солиқ тўловчилар солиқни солиқ органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган солиқ тўловчи даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳақиқатда сарфланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга. Лекин чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмалиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларга қуйидагилар кирди:

- илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур материаллар сотиб олишга доир харажатлар;
- фақат илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

**Умид АЛИМОВ,**  
вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими.

## "Беш ташаббус олимпиадаси": Иккинчи мавсумда нималар ўзгарди?

**Президентимизнинг жорий йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, апрель-июнь ойларида "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақалари бўлиб ўтди.**

Илк бор ўтказилган ушбу мусобақаларда вилоятимизнинг 7-30 ёшгача бўлган 975 минг 589 нафар ёшлари 13 спорт тури бўйича иштирок этиб, республикада умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёшлар кунини" муносабати билан ташкил этилган учрашувда "Беш ташаббус олимпиадаси"ни ҳар йили икки мавсумда ташкил этиш таклифига кўра, ушбу мусобақанинг иккинчи мавсуми сентябрь-декабрь ойларида ўтказилиши белгиланганди.

Вилоят матбуот уйида Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Х.Тўхтаев иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида мусобақаларни ўтказиш тартиби, киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

- "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсуми учун ишлаб чиқилган низомга мувофиқ, танлов ва мусобақаларга қатнашиш учун ариза топшириш жорий йилнинг 1 июлидан 9 сентябрга қадар давом этиши белгиланган бўлиб, бугунга қадар вилоят бўйича 334 минг 305

нафар ёш рўйхатдан ўтди, - дейди Х.Тўхтаев. - Ариза топширганлар Ургут туманида энг кўп - 37 минг 338 нафарни (ҳар бир маҳалладан ўртача 311 нафардан) ташкил этмоқда. Энг паст кўрсаткич эса Қўшработ туманида бўлиб, 11 минг 455 нафар (ҳар бир маҳалладан ўртача 254 нафардан).

Мусобақаларнинг иккинчи босқичида бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, Миллий кураш мусобақаси, "Ёшлар рақс фестивали", "Миллий ва замонавий чолгу ижрочилиги" танловлари қўшимчалар билан киритилди. Спортнинг волейбол тури бўйича мусобақада 27-30 ёшлилар иштироки олиб ташланди. Стол тенниси, стретворкоут мусобақалари жамоавий эмас, яқка тартибда ўтказиладиган бўлди.

Олимпиаданинг иккинчи босқичи



чи доирасидаги мусобақалар 10 сентябрдан бошланади ва ёшлар маданият, санъат, спорт, китобхонлик, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 14 та танлов ва мусобақаларда иштирок этади. Мазкур танлов ва мусобақаларнинг чолгу ижрочилиги 10-30 сентябрь кунлари, сектор босқичи 2-21 октябрь кунлари, туман (шаҳар) босқичи 20 октябрь-4 ноябрь кунлари ҳамда ҳудудий босқичи 7-25 ноябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

**Ўз мухбиримиз.**

## 16 та хўжалик наслчиликка ихтисослаштирилди



**Жорий йил бошигача вилоятимизда чорвачиликнинг барча йўналишларида 177 та наслчилик хўжаликлари мавжуд эди. 2022 йилнинг 6 ойида 16 та субъект қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик ва асаларичилик йўналишларига мослаштирилди.**

Жумладан, чорвачиликда Булунғур туманидаги "Хўжан Норматов даласи" фермер хўжалигига қорамолнинг "Сименталь" зоти, Самарқанд туманидаги "Қурбон чорва" фермер хўжалиги "Гольштин", қўйчиликда Қўшработ туманидаги "Жўш қоракўл насли чорва" масъулияти чекланган жамияти "Ҳисори" зотини боқишга ихтисослаштирилди.

**У.ЯХШИМУРОДОВ,**  
"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси бош инспектори.



## Прокурор кубоги топширилди

Каттақўрғон туманидаги 43-умумтаълим мактабида туман прокурори кубоги учун кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда 12-14 ёшли ўсмир ўғил-қизлар ўзаро беллашди. Шиддатли кечган баҳсларда мезбон жамоа голиб чиқди ва туман прокурори кубогини қўлга киритди. Шунингдек, голиб жамоаларга туман прокуратурасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Тоҳир НОРКУЛОВ.**  
Суратларда мусобақадан лавҳалар.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Оқдарё туманидаги "GREEN KOREA AGRO INVEST" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305445462) ўз устав фондини 22 304 480 210 (ийгирма икки миллиард уч юз тўрт миллион тўрт юз саксон минг икки юз ўн) сўм миқдордан 5 200 980 210 (беш миллиард икки юз миллион тўққиз юз саксон минг икки юз ўн) сўм миқдоргача камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Оқдарё тумани Барака мас-сиви.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Гулшико Татьяна Ивановнага (2020 йил 18 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турди-

куловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Шералиев Муҳаммади Иргашовичга (2021 йил 22 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Нурмамедов Гулямга (2004 йил 24 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова

Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Кушбақова Насиба Мардиевнага (2022 йил 7 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайарик тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Халилов Бахтиёр Хамидовичга (2013 йил 6 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос

иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Иштихон маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2016 йилда Тирақашев Воҳид Толибжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 2493, К № 4258844 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Оқдарё туманидаги 30-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Саидалиев Саидазим-хон Хомиджон ўғли номига берилган ИМ № 0517004 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ПАЙАРИК**

Пайарик туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хонкелдиева Нодира Уроқбоевна номига берилган О' R-SH № 0967466 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**САМАРҚАНД**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти академик лицейидан 2020 йилда Раҳматов Раҳматбек Умид ўғли номига берилган рўйхат рақами 3265, L № 0020915 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси вилоят бўлими ҳамда "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари тахририяти фахрий журналисти

**Қаҳрамон БЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

XIX asr oxiri XX asr bo'lib Turkiiston mintaqasidagi jaraenlar...
jadidlik harakati muhim ahamiyat kasb etdi va qator ilg'or g'oyalar ilgari surildi.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ЕТАКЧИЛАРИДАН ЭДИ

Жадидлик harakatining yuzaga keliши va rivojlanishi bosqichlarini taхлил qилиш uchun uша davrdagi tarixiy jaraenlarга tuxtaliш maksadga muvofiq.



Миллат ва унинг хақ-хуқуқлари, тарихи, тил ва адабиёти масалалари, дунёдаги ахволга доир мақолалар бериб борилган.

Махмудхўжа Бехбудийнинг юрт озодлиги, миллат тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларини тадқиқ этишда унинг сиёсий фаолиятини ҳам инобатга олиш лозим.

Бехбудий 72 кун умр кўрган Туркистон мухториятининг парламенти – Миллий Мажлис таркибига киритилган бўлиб, ўша вақтда замонанинг энг илг'ор зйёллари, тараққийпарварларидан ташкил топган Туркистон мухториятида бу масъулятли лавозим эди.

Туркистон минтақасида XIX аср охири XX аср бошида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнларда замонавий фикрлайдиган тараққийпарварларнинг миллатни уйғотиш, мамлакатни тараққий этириш йўлидаги мардонавор кураши жадидлик ҳаракати номи билан тарих зарварқларидан жой олди.

Гулмамат АҲМЕДОВ, Самарқанд давлат музей кўриқхонаси катта илмий ходими.

“Табиатдир менинг давомим...”

Адабиётни севиб улғайдим. Балки менда бу ишқни онагинанинг бо- лалигимда айтиб берган эртаклари уйғотгандир.

Ўқувчилик давримда нуқул газета, журналларда берилган шеърларни топиб ўқирдим. Улар менга ўзгача завқ бағишларди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек шеърлятида бир гуруҳ тенгдошлари қатори самарқандлик шоир Хуршид Даврон ҳам ўз ижоди билан чин маънода порлади.

Ҳаётнинг барча қирралари ҳақиқат нурида жилоланиб туради Хуршид Давроннинг шеърларида.

Бизлар жуда ақлимиз, Минг ўлчаб бир кесамиз, Яшасин, деб халқимиз, Мансабларда ўсамиз.

... Бир кун ўлсақ, устимизга, Улкан тошни қўйишар. Ва албатта ўша тошга, Ақлли сўз уйишар, дейди бир шеърда шоир.

Хуршид Даврон тарихни чуқур билади. Балки шунинг учун бўлса керак, унинг рамзий ифодалари жуда табиий ва таъ- сирчандир:

Самарқанд- заъфарон тирамоҳ, Бухоро қирмизи саратон. Тош шаҳри совиган қаҳрабо Туркистон.. Туркистон..

Шоир ҳаётни ҳамиша кўнгил призмасидан ўтказиб кўрадики, шунинг учун ижодидаги ранглар ўз оламининг рангларидир.

Хуршид Давроннинг шеърляти табиатга жуда вобаста. Нима бўпти, бошқа шоирларда ҳам худди шундай дерсиз. Ростини айтиш керак, Хуршид Даврон шеърлятининг илдизи ҳақиқат боғидан униб чиққандек.

Мен кетарман... Кетарман... Осмон Тиниқ бўлар, бегубор бўлар. Осмонмас у берган ҳаяжон Ва ҳайратлар мен билан ўлар.

Ҳа, бир тонгда кўёш чиқару, Бу дунёда мени кўрмайди. Мен ўламан аммо кўксимдан Униб чиққан гиёҳ ўлмайди.

Хуршид Даврон япон мумтоз шеърлятидан ҳам дилбар таржима- лар қилган. Таржималар жараёни барибир беиз кетмайди.

Басё китобининг varaқларида Сарғайган япроқлар, алвон япроқлар.

Қадим ибодатгоҳ... Ундан нарида Тоққа ўрмалаган дайди сўқмоқлар,

дейди бир шеърда шоир. Уни ўқиб, кўз ўнгинида кунчиқар мамлакатининг маънос бир чек- касидаги маҳзун табиат, машхур шоир Басёнинг кўнгли қирғоқла- ридан тошиб чиққан дард, энг муҳими, шоирона илохий ҳолат қад ростлайди.

“Хуршид Даврон шеърляри нима учун бир ўқиган инсоннинг кўнглида илдизлайди?” - сўра- дим ўз-ўзимдан. Ва сўнг шоиро- на туйғуларим ғалаёнга келиб, менга шивирлади: Бу шоир шеърляти ҳеч кимни алдамайди.

“Самарқанд дарवेशи” номли шеърда шундай сатрлар бор: Жўнаб кетар қари дарвеш, Видога тўлиб кўзи.

Халтасида нон ушоғу, Уч-тўрт Самарқанд юлдузи... Шеър.. йўл узунми, дард узун,

Балки ана шу дарвеш шо- ирнинг ўзидир. Тўғилган юрти Самарқандга бўлган муҳаббат шу қадар тозаки, бу тозалик кўзгуга айланади ва ўқувчи ана шу кўзгуда ўз кўнглини томоша қила олади.

Хуршид Давроннинг мен жуда яхши кўрган бир шеъри бор. Мана ўша шеър:

Табиатдир, менинг давомим, Туташ эрур бағрим бағрига. Умрим боғлиқ ою офтоби, Дарё, дала, дарактларига.

Ялпизларни кучоқлаб сархуш, Муҳаббатга тўлғонар қалбим. Бошим узра учиб ўтар қуш, Ҳаёлимнинг давоми каби.

Тунлар нафас олмай ётаман, Мени қучар қувончу алам... Дарахт кулгусини кўрганман, Кўрганман кўз ёшларини ҳам. Нақадар сўлим шеър, допиш- манд шеър, ичимда доимо бу шеърни такрорлаб юраман.

Тирикликнинг бор моҳияти шеърда акс этган ҳолатнинг ўзи эмасми?!

Дунёда шоирлар кўп. Тўғри, ҳар бир шоир- нинг шеърлятимизда ўз ўрни бор. Аммо ҳалол бир гапни айтгим ке- лляпти: Хуршид Даврон Ўзбекистон Республи- каси халқ шоири унво- нини юз фоизга оқлаган, халқ севган шоир.

Унинг шеърляти ҳақида айта- диган гапларим кўп аммо мен бор- йўғи шоирман, холос. Бу юксак шеърлят ҳақида қолган гапларни адабиётшуносларимиз айтсин.

Исмат КҮЧИЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Самарқанд

Темур ҳоқан бўлган бошингда, Қудрат зоҳир шаън, бардошингда, Етти иқлим лолдур қошингда, Битикларинг зарҳал Самарқанд, Ер юзига сайқал Самарқанд.

Регистон бу - шарафим, шоним, Минорларга туташдир жоним, О, улугим, ота маконим, Қалбимдаги шаъним Самарқанд, Тилимдаги маъним Самарқанд.

Навоийнинг руҳи бор сенда, Улуғбекдан ифтиҳор сенда, Илм боис эл бедор сенда, Маърифатнинг нури Самарқанд, Маънавият дури Самарқанд.

Бахт, толеинг беради таскин, Дунёда йўқ бундайин масқун, Ҳар фарзандинг аллома, махдум, Сен ағомам, борим Самарқанд, Шон, ғурурим, орим Самарқанд.

Нарзитош ЮСУПОВА.



Мулоҳаза учун мавзу

Қалай, тўй зўр бўлди? Ҳа, қалайсиз, ошна? Эсон-омон чиқ- дингизми? - тўйхонадан кулоғи шанғиллаб чиққан Соли бобо бошини чангаллаган Доли оқсоқолга пичинг қилди, - мириқиб гурунғ қилдингизми?

Вой, вой, бошим, бироз ўтириб, ўзимга келиб олай, - деди Доли бобо унга жавобан афтини буриштириб. - Намунча қарнайларини вангиллатиб қўйишади-а, меҳмонлар кар эмас-ку.

Тўй миллий қадриятларимиздан. Тури ҳам кўлайиб борляпти: ақиқа, хатна, никоҳ, пайғамбар ёши, туғилган кун, юбилей, аскар тўй, диплом тўй...

Бирортаси ўйин-кулгу, куй-кўшиқсиз ўтмайди. Бу халқимиз турмуш фаровонлиги, тўқчилик, ашаш мадания- ти юксалаётганидан далолат. Тўйлардан максад фақат элга дастурхон ёзиб, зиёфат бериш эмас, тўй баҳона дўст-биродарлар, қавм-қариндош, маҳалла-қўй бир пиёла чой устида дийдорлашиб, мириқиб сўхбатла- шишдир.

...Бир укаимиз невараларининг тўйига таклиф қилди. Аввало, хурмати, қолаверса,

Ошпазнинг найранги фош бўлди

Шаҳар марказидан узокроқда жойлашган гўзал масканлардан бирида Аб- дуваққос носфуруш невараси Махсумжоннинг суннат тўйини ўтказмоқда. Кенг майдонда чорполар, ундан пастроқда эса ўн икки кишига мўлжал- ланган қатор-қатор стол-стул дид билан жойлаштирилган.

Тўйхонага яқин жойда яшайдиган Мамлакат ая бир неча кундан буён ўсал этибди. Кўп- нинг оши - паловга ҳаваси кетди. Невараси Пардақулни тўйхонага, ярим товоқ ош олиб келишга юборди. Пардақул ҳам тўғри Ҳасан ошпазнинг олдига келиб: - Бувим юбордилар, ярим товоқ ош берар экансиз, - деди.

Исмин Пардақул, сизнинг ҳовлингиздан олти эшик нарида яшовчи Мамлакат аянинг невараси бўламан.

Жуда яхши, бўтам. Аини вақтида келдинг. Ҳозир мен сенга бир товоқ ош бераман, ғирр этиб уйимизга элтиб берасан-да, товогини бўшатиб, изинга қайтасан. Кейин яна бир товоқ ош бераман, уни бувингга олиб борасан, тушундингми? Шундай дея Ҳасан ошпаз каттагина со-

Турмуш чорраҳаларида

пол товоққа бир неча бўлак ёғли қўй гўшти- ни солди-да, устидан бир капкир гуруч ва хил-хил пишган сабзи билан ёпиб, ёнига бир бўлакча гўшт қўйди, устига иккита ис- сиқ нонни бостириб, уни Пардақулга тутқаз- ди ва тезда қайтиб келишини тайинлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, Ҳасан ошпаз кўча муюлишидаги Ҳаким новвойнинг дўкони олдига зарур юмуш билан кўчага чиққан Пардақулни учратиб қолди. Пардақулнинг саломи- га совуққина алик олган ошпаз зарда билан, "Бу номаъқул ишингни қайтиб такрорлама, хўпми", деди, холос.

Олимжон ҒАФУРОВ, меҳнат фаҳрийси.

ШУ ОЙДА ТАВАЛУД ТОПГАНЛАР

- 12 СЕНТЯБРЬ Фурқат МИРЗАЕВ - (1966-2015) Тойлоқ туманида туғилган. Ўзбекистонда хиз- мат кўрсатган маданият ходими, хонанда. 13 СЕНТЯБРЬ Фурқат ТОЖИБЕВ - (1913-2001) Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Кимёгар олим. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Мамат АЛИЕВ - 1934 йилда Самарқанд туманида туғилган. Ўзбекистон Республи- касида хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Logo for MATBUOT UYI Zarafshon Samarqandskiy Vestnik with contact information.

Publication details for Zarafshon newspaper, including address, phone numbers, and subscription info.

Subscription information for Zarafshon newspaper, including contact details and a QR code.